

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

ИИВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН  
БОШҚА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ  
ХИЗМАТ ФАОЛИЯТЛАРИ

*КУРСИДАН*  
ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ

ТОШКЕНТ

Т у з у в ч и - м у а л л и ф  
СТТОК Махсус фанлар цикли бошлигининг ўринбосари **Б. П. Имомов**

Т а қ р и з ч и л ар :

Тошкент вилоят ИИБ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари **Ш. И. Буронов**;  
юридик фанлар номзоди, доцент **М. З. Зиёдуллаев**;  
юридик фанлар номзоди, доцент **И. Соттиев**

- И – 96      **«ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги хизмат фаолиятлари»  
курсидан чизмалар альбоми:** Ўқув қўлланма / Тузувчи-муаллиф Б. П. Имомов. – Т.:  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 44 б.

Чизмалар альбомида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини ташкил этиш асослари, ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситалар, ички ишлар идораларининг ички ва ташқи ташкилий фаолиятини амалга оширувчи хизматлари ва алоҳида шароитларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўлимлари фаолияти бўйича энг асосий тушунча, қоида ва назарий фикрлар чизмалар шаклида берилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчилари, Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ҳамда ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг курсантлари учун мўлжалланган.

67.99 (2У)116.3я73

## К И Р И Ш

Кадрлар билан ишлайдиган ҳар бир тизимнинг энг муҳим вазифаси – ҳар қандай даражадаги мураккаб ишларни самарали бажара оладиган ходимларни излаш, жамлаш, касбий ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда уларнинг хизмат бўйича ўсишига шароит яратишдан иборат. Чунки жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида юқори малакали мутахассислар адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этишда асосий етакчи куч ҳисобланади. “Биз фарзандларимизни Ватаннинг гуллаб-яшнашини, мамлакатдаги тинчликни, ҳалқ фаравонлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаришга қодир килиб тарбиялашимиз, уларни ушбу мақсадларга йўналтиришимиз керак”<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов.

Ушбу чизмалар альбоми ички ишлар органлари ёш кадрларининг касбий-ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида тайёрланди. Чизмалар альбомида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини ташкил этиш асослари, ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситалар, ички ишлар идораларининг ички ташкилий фаолиятини амалга оширувчи хизматлари, ички ишлар идоралариниг ташқи ташкилий фаолиятини амалга оширувчи хизматлари ва алоҳида шароитларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйимлари бўйича асосий назарий қоида ва тушунчалар чизмалар шаклида мантиқий изчил жойлаштирилган ва ифодаланган бўлиб, курсни ўқитишда илмий-методик қўлланма бўлиб хизмат қиласди.

Чизмалар альбоми Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ҳамда ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг курсантларига «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги хизмат фаолияtlари» курсини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришларида ёрдам беради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – Б. 103.

# «ИИВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН БОШҚА ЙЎНАЛИШДАГИ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТЛАРИ» КУРСИНинг ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ТУЗИЛИШИ

«ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишдаги хизмат фаолиятлари» курси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида таълим базасининг асосий қисмини ташкил этувчи, маҳсус фанлар блокига кирувчи, Вазирлик томонидан белгиланган йўналишларга курсантларни касбий тайёрловчи мутахассислик бўйича ўқув курсидир

## ЎҚУВ КУРСИНинг МАҚСАДИ

курсантларни мўлжалланган лавозимлари бўйича касбий ўқитиш, назарий ва амалий билимларни бериш орқали касбга йўналтириш

ходимларнинг бошқа лавозимларга қисқа муддатларда киришиб кетишлари учун зарур бўлган билимларни бериш, ўқув ва кўнгималарини ҳосил килдириш

ахлоқий-хукуқий тарбиялаш орқали касбий хулқ-атворни шакллантириш

маъруза

ўқув машгулоти

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ МАШГУЛОТ ТУРЛARI

амалий машгулот

амалий машқ

ИИБ базасида машгулот

факультатив машгулот

мустакил иш

## ЎҚУВ КУРСИНинг ТУЗИЛИШИ

I бўлум. Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари фаолиятини ташкил этиш асослари

II бўлум. Ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситалар

III бўлум. Ички ишлар идораларининг ички ташкилий фаолиятини амалга оширувчи хизматлари

IV бўлум. Ички ишлар идораларининг ташкилий фаолиятини амалга оширувчи хизматлари

V бўлум. Алоҳида шароитларда ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқариш




***Биринчи бўлим.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари – давлатнинг ички ишлар соҳасидаги бошқарувини ташкил ва ижро этувчи ҳамда фармойиш берувчи давлат ҳокимияти идораси хисобланади

**ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг **хуқуқий асослари** деганда, ички ишлар соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий (норматив) хужжатлар тушунилади



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ички ишлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар

ички ишлар идораларининг фаолиятига оид идоравий-хуқуқий хужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи халқаро ва минтақавий хуқуқий хужжатлар

## **ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

- ДАВЛАТ ТУЗУМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
- ШАХС ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ТАЖОВУЗЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ
- ЖИНОЯТЛАР, БОШҚА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ, ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ ҲАМДА ТЕРГОВ ВА СУДДАН ЯШИРИНИБ ЮРГАН ШАХСЛАР ВА ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ҚИДИРИБ ТОПИШ
- ЁНФИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА МОЛ-МУЛКНИ ҚЎРИҚЛАШ
- АХОЛИГА ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари миллий давлат тузилиши ва маъмурий-худудий бўлиниши, иқтисодий, географик, ташкилий ва ҳуқуқий омилларни инобатга олган ҳолда тизимлаштирилган



Марказий аппарат



Худудий аппарат



Маҳаллий аппарат



Тармоқ аппарат



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **марказий ички ишлар идораси** республиканинг ички ишлар соҳасида марказлашган бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи давлат аппарати

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБ **худудий ички ишлар идоралари** республиканинг йирик маъмурий худудларида ички ишлар соҳасида худудий бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи давлат аппаратлари

**Маҳаллий ички ишлар идоралари** республиканинг маҳаллий тумун-شاҳарларида ички ишлар соҳасида маҳаллий бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи давлат аппаратлари хисобланади

**Тармоқ ички ишлар идоралари** ички ишлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд бўлган давлатнинг муайян тармоқ соҳаларида ташкил этилади. Транспортдаги ички ишлар идоралари темир йўл, ҳаво йўли ва сув йўлида ички ишлар соҳасидаги вазифаларни бажаради

## Ислоҳотлардан кўзланган асосий максадлар

### ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР



ички ишлар идораларининг ташкилий тузилишини қайтадан кўриб чиқиш – хизматларда бири иккинчисининг ишини тақрорлашига йўл қўймаслик, улар фаолиятини тубдан яхшилаш, янги тузилмаларни ташкил этиш



раҳбарнинг масъулиятини ошириш, жиноятчиликка қарши курашда куч ва воситалардан оқилона равиша фойдаланиш



хизматларнинг ҳозирги шароитдаги вазифаларини аниқ белгилаб бериш ва оператив хизматлар фаолияти устидан бошқарувнинг қуидан то юқоригача ягона тизимини яратиш



барча турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш борасида самарали профилактика ишларини олиб бориш, уларга қарши курашни янада кучайтириш




ички ишлар идоралари вазифаларини бажаришга қодир бўлган кадрларни шакллантириш



давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар идораларининг роли ва мавқенини кучайтириш, аҳоли ва кенг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ СОҲАВИЙ ТУЗИЛИШИ

**РАҲБАРИЯТ** – вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарлари каби мансабдор шахслардан таркиб топган бўлиб, ички ишлар идораларининг стратегик йўналишларини белгилайди ва ички ишлар соҳасидаги давлат сиёсатининг ижросини таъминлашга масъул ҳисобланади



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДАГИ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ

*Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларидағи хизмат* – фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари, жамият ва давлатнинг манфаатлари жиной тажовузлардан ҳимоя қилинишини, жамоат тартиби ва аҳоли хавфсизлигининг ишончли муҳофаза қилинишини таъминлайдиган давлат хизматининг маҳсус тури

## ХОДИМНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ ХУКУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ МАЖМУИ

✓ кадрлар сафига киритиши

✓ лавозимга тайинлаши

✓ унвон берishi

✓ хизмат аттестациясидан ўтказиши

✓ хизмат бўйича кўчириши

✓ ички ишлар идораларидағи хизматни тўхтатиши

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДАГИ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ПРИНЦИПЛАРИ


Ички ишлар идораларидағи хизматни ўташ принциплари – бу фаолият жараённанда оғишмай риоя қилинадиган раҳбарий ғоя, қоида ва тартиблар мажмуи

### ХИЗМАТНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

- қонунийлик;
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш ва унга риоя қилиш;
- инсонпарварлик;
- ошкоралик;
- партиясизлик;
- хизмат интизомига риоя этиш;
- меҳнатнинг адолатли тақдирланиши;

- ички ишлар идоралари ходимларининг тегишли давлат ва бошқарув ҳокимиияти идоралариға ҳисоботдорлиги ва улар томонидан назорат қилиниши;
- қобилияти, малакаси, меҳнат натижаларини ҳисобга олган ҳолда хизмат лавозимлари бўйича ўсиш ва ҳоказо


### ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДАГИ ХИЗМАТ ШАРОИЛЛАРИ



## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Ички ишлар идоралари ходимлари – давлатнинг ички ишлар соҳасидаги вазифаларини бажариш учун ташкилий-штат бирликлари бўйича жамланган кадрлар

### Кадрларни таснифлаш белгилари



## МАХСУС УНВОНЛАРДА ХИЗМАТ ЎТАШ ТАРТИБИ

Ички ишлар идораларининг аттестациядан ўтган таркибига *максус унвонлар берии* деганда уларнинг малакаси, маълумоти, хизматга муносабати, неча йил ишлагани ва эгаллаб турган штатдаги лавозими, шунингдек норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа шартларни инобатга олган ҳолда амалга ошириладиган тадбир тушинилади.




## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

*Фуқароларнинг мурожсаатлари бу – фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсиялари, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талабидир*

*Фуқаро мурожсаатларининг шакли*  
деганда, мурожаатга оид ахборотни баён қилиш  
шакли тушинилади

*Фуқаро мурожсаатларининг тури* деганда,  
мурожаатдаги ахборот мазмунининг тури  
тушинилади




*Ариза* фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаати

*Таклиф* фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаати

*Шикоят* фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати

## ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА

Фуқароларнинг жиноят ҳақидаги аризалари – ички ишлар идораларининг ҳуқукбузарлик бўйича ахборот олиш воситаси, омма билан алоқани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлларидан бири ҳисобланади



*Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиши* – ички ишлар идораларининг ваколатли ходимлари томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақида қабул қилинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қонун талаблари асосида ҳал этиш

*Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни руйхатга олиш* – жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушаётган ҳар бир ариза, хабар ва бошқа маълумотларга келиб тушиш кетма-кетлигига кўра тартиб рақамини бериш, мазмуни бўйича қисқа маълумотни ўрнатилган тартиб асосида ҳисоб ҳужжатларида акс эттириш

## Юридик жавобгарлик турлари

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Жиноий жавобгарлик** фуқаролар томонидан жамият ва давлат тузумига, мулк шакллари, хўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган маңбаатларига қарши тажовуз қилинганида келиб чиқади. Жиноят қонуни нормалари талабларини бузиш жиноий жавобгарлика сабаб бўлади

**Фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик** шахсларнинг мулкий муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкий бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказилган ҳолларда белгиланади ва Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Мехнат кодексларида назарда тутилган ҳолларда қўлланилади

**Маъмурий жавобгарлик** хуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга бошқарувнинг умумий тартиб-қоидаларини, масалан, йўл ҳаракати қоидалари ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга карши ҳаракатлар киради

**Интизомий жавобгарликнинг** белгиланиш ҳолатлари Мехнат кодексида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда маҳсус низомларда назарда тутилади. Интизомий-хуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва бошқалар киради

### БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўйидаги конвенцион қўмиталари мавжуд

ИРҚИЙ КАМСИТИШЛАРНИНГ БАРЧА  
ТУРЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ  
ҚЎМИТАСИ (1970 й.)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҚЎМИТАСИ (1977 й.)

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ КАМСИТИЛИШИНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ҚЎМИТАСИ (1982 й.)

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ  
ҲУҚУҚЛАР ҚЎМИТАСИ (1985 й.)

ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ҚЎМИТА (1988 й.)

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҚЎМИТАСИ (1990 й.)

## *Иккинчи бўлим.*

# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАР

### ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситалар – ички ишлар идораларининг фаолиятини ташкил этиш, вазифаларини бажариш ҳамда унинг кучлари (ходимлари)ни оқилона, оператив бошқаришда қўлланилиши илмий асосланган моддий-техник мослама, элемент ва хизмат ҳайвонлари*




Ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситаларнинг аҳамияти шундаки, ички ишлар идоралари куч (ходим)ларининг иш фаолиятини қисман ёки бутунлай алмаштириб, уларнинг меҳнатини осонлаштириди ва унумдорлигини оширади, ходим бажариши мумкин бўлмаган муруккаб ишларни бажаради

### Ички ишлар идораларида қўлланиладиган воситаларнинг турлари




## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

*Алоқа – уни юборувчидан қабул қилувчига ахборот, хабар узатиши демакдир*



## РАДИОТҮЛҚИНЛАРНИНГ ДИАПАЗОНЛАРИ



## РАДИОАЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

Радиоалоқа ички ишлар идоралари фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳаракатдаги обьект билан жойдан туриб алоқа қилишнинг ягона туридир.

Радиоалоқа воситалари ёрдамида маълумот йифиш, оператив вазият кескинлашганда, табиий оғатларнинг оқибатларини бартараф қилишда куч ва воситаларни бошқариш, оператив-қидирув фаолиятни ташкил қилиш, жиноятчиларни ушлаш ва бошқа ишларда фойдаланилади

### РАДИОАЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

*стационар радиостанциялар*

*ихчам (мобил) радиостанциялар*


*кўлда олиб юриладиган радиостанциялар*

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА РАДИОАЛМАШУВ ТИЗИМИ

*Радиоалмашув* деганда, радиограммалар, сигнал, буйруқ ва бошқа сўзлашувларни радиоқурулмалар орқали узатиш, қабул қилиш тушунилади.

Мазмунига кўра радиоалмашув оператив ва хизмат юзасидан ўрнатилади

### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЛОҚА ТИЗИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР




### Радиоалоқа элементлари:

- 1) алоқага чиқиш ва алоқа ўрнатиш;
- 2) маълумотлар (радиограммалар)ни қабул қилиш-узатиш;
- 3) алоқани якунлаш (алоқа сеансини тугаллаш).

***Учинчи бўлим.***  
**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ИЧКИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ  
АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХИЗМАТЛАР**

Ички ташкилий фаолиятни амалга оширувчи хизматлар асосий вазифаларнинг бажарилиши учун ички ишлар идораларининг бошқарув, иш юритиш, кадрларни жамлаш, ахборот, алоқа, моддий техник таъминот ва бошқа функцияларини амалга оширади



## ТАШКИЛИЙ ИНСПЕКТОРЛИК ХИЗМАТИ

**Ташкилий инспекторлик хизмати ИИВ тизимида умумбошқарув, режалаштириш, назорат, таҳлил, ҳамкорлик ишларини ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи бўлинмалар фаолияти**

### ❖ Асосий вазифалари

куч ва воситаларнинг оқилона бошқарувини ташкиллаштириш

фаолиятни режалаштириш

ижрочиликни назорат қилиш


оператив вазият ва фаолият бўйича ахборотларни таҳлил қилиш

ҳамкорликни ташкиллаштириш ва бошқалар


## КОТИБИЯТ ХИЗМАТИ

**Котибият хизмати ИИВ тизимида иш юритишни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи  
бўлинмалар фаолияти**


- Асосий вазифалари



умумий иш юритишни ташкиллаштириш, олиб  
бориш ва назорат қилиш



махсус иш юритишни ташкиллаштириш, олиб  
бориш ва назорат қилиш



фуқароларнинг мурожатлари ҳал этилишини  
ташкиллаштириш ва назорат-таҳлил қилиш

## **ШАХСИЙ ТАРКИБ БИЛАН ИШЛАШ ХИЗМАТИ**

**Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ИИВ тизимида кадрлар билан ишлашни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи бўлинмалар фаолияти**

### **Асосий вазифалари**


кадрларни жамлаш ва уларни жой-жойига қўйиш

ходимларнинг узлуксиз касбий тайёргарлигини амалга ошириш

шахсий таркибни тарбиялаш ва ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш

## АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ахборот маркази ички ишлар идораларининг тезкор-тергов, профилактик ва бошқа йўналишларини ахборот билан таъминловчи ИИВ тизимидағи бўлинмалар фаолияти




## МОЛИЯ-ИҚТИСОД ХИЗМАТИ

**Молия-иқтисод хизмати ИИВ тизимиларини молиявий ресурслар билан таъминловчи бўлинмалар фаолияти**



## МОДДИЙ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТИ

**Моддий техника таъминоти хизмати ИИВ тизимларини моддий-техник ресурслар билан таъминловчи бўлинмалар фаолияти**



## **ХҮЖАЛИК ХИЗМАТИ**

**Хўжалик хизмати ИИВ тизимларини хўжалик ва моддий-техник ресурслар билан  
таъминловчи бўлинмалар фаолияти**

**Асосий вазифалари**

ИИВ тизимларининг хўжалик ва моддий-техник ресурсларга бўлган  
эҳтиёжини аниқлаш ва лимитларни ишлаб чиқиш


ИИВ тизимларини автотранспорт, моддий техника ва хўжалик ресурслари  
билин таъминлаш ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш

марказий ва ҳудудий ички ишлар идоралари маъмурий бино ва  
ҳудудларининг мудофаси, қўриқланиши ва тартиботини ташкил этиш

## АЛОҚА ХИЗМАТИ

**Алоқа хизмати ИИВ тизимларида техник алоқа таъминотини ташкиллаштирувчи ва амалга оширувчи бўлинмалар фаолияти**

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ



ИИВ тизимларининг техник алоқага бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва техник алоқа тизимини ишлаб чиқиш


алоқа бошқарув тизими니 замонавийлаштириш (модернизация) ва миллийлаштириш (национализация) бўйича техник сиёсатни амалга ошириш

ИИВ тизимларини техник алоқа (симли ва симсиз) воситалари билан таъминланиши ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш

чет эл разведкасига қарши тадбирларни амалга ошириш


*Тўртинчи бўлим.*  
**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ТАШҚИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ  
АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХИЗМАТЛАР**

Ташқи ташкилий фаолиятни амалга оширувчи хизматлар намунали жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби ички ишлар идораларининг асосий вазифаларини амалга оширади



## ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИ


**Эксперт-криминалистика хизмати ИИВ тизимларида техник-криминалистик таъминотни ташкиллаштирувчи ва амалга оширувчи бўлинмалар фаолияти**




## **ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ХИЗМАТИ**

**Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати Республикада криминоген вазиятни чуқур ўрганиш натижасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкиллаштирувчи ва амалга оширувчи бўлинмалар фаолияти**


### **АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**




**Республикада криминоген вазиятни чуқур ўрганиш ва уни таҳлил қилиш**



**хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича якка тартибда ва умумий профилактик ишларни ташкиллаштириш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш**



**озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижросини таъминлаш**



**давлат ва жамият ёрдамига муҳтож вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш**

## **ПАТРУЛЬ-ПОСТ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ХИЗМАТИ**

**Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати Республикада хуқуқбузарликларга профилактик таъсир кўрсатиш ва намунали жамоат тартибини сақлаш ишларини ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи бўлинмалар фаолияти**

### **АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

**жамоат жойларида хуқуқбузарликларга профилактик таъсир кўрсатиш**

**муайян тоифадаги шахсларнинг қўриғи ва кузатув (конвой)ини амалга ошириш**

**иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация этиш**

**хуқуқбузарликларга қарши курашда кинология таъминотини амалга ошириш**

**назорат–руҳсат бериш тизимини амалга ошириш**

**дипломатик ваколатхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар**

## **ХОРИЖГА ЧИҚИШ, КЕЛИШ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТИ**

**Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати  
Республикада ички ишлар идоралари ваколатига кирувчи фуқаролик масалаларига оид  
ишларни ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи (расмийлаштирувчи) бўлинмалар  
фаолияти**

### **АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**


**аҳолини фуқаролик паспортлари  
 билан таъминлайди ва фуқаролик  
 даъвоси бўйича қидирув ишларини  
 амалга оширади**

**ички ишлар идоралари  
 ваколатига кирувчи фуқаролик  
 масалаларига оид ишларни  
 расмийлаштиради**

**фуқароларнинг кўчиши (муайян ҳудудга келиши  
 ёки ундан кетиши)ни назорат қиласида ва ҳисобга  
 олади**

## ҚҮРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

**Қўриқлаш хизмати Республикада шартнома асосида мол-мулкнинг ишончли қўриқланишини ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи ички ишлар идоралари хузуридаги бўлинмалар фаолияти**



## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ

**Ёнғин хавфсизлиги хизмати Республикада ёнғиндан сақлаш ишларини ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи бўлинмалар фаолияти**

**Асосий вазифалари**


**ёнғинларнинг олдини олиш**

**ёнғинларни ўчириш ва қутқарув ишларини ташкил этиш**

**ёнғин хавфсизлиги бўйича назорат-рухсат бериш тизимини амалга ошириш**

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Республиканинг автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги ишларини ташкиллаштирувчи ва олиб борувчи бўлинмалар фаолияти**



## ТРАНСПОРТДАГИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ

Транспортдаги ички ишлар идоралари транспорт тизимлари (темир, ҳаво ва сув йўллари)да ички ишлар соҳасидаги вазифаларни бажарувчи тармоқ бўлинмалар фаолияти

### АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

транспорт тизимларида жиноятчиликка қарши қуаш

транспорт тизимларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш

транспорт тизимларида шахсларнинг хуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

транспорт тизимларида мол-мулкни қўриқлаш ва манзилга кузатиб бориш

## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ХИЗМАТИ

**Жазони ижро этиш хизмати суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг ижросини таъминловчи бўлинма ва муассасалар фаолияти**

### АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ




**озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларнинг ижросини таъминлаш**

**маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қонунга итоаткор рухда тарбиялаш**

**муассасада жиноятларнинг олдини олиш ва очилмай қолган жиноятларни фош этиш**

*Бешинчи бўлим.*  
**АЛОҲИДА ШАРОИТЛАРДА ЖАМОАТ ТАРТИБИННИ САҚЛАШ ВА  
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

**Ички ишлар идораларидағи хизматни ўташ шароитлари**



## ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ҲОДИСАЛАР



### нокриминал

сиёсий, ижтимоий, маданий, дин ва бошқалар  
билин боғлиқ оммавий тадбирлар

### криминал

давлат ва жамият турмушини мураккаблаштирувчи,  
оператив вазиятни кескинлаштирувчи жиноий қилмишлар

#### *Нокриминал ҳодисаларнинг турлари*

ижтимоий -  
сиёсий

оммавий -  
маданий

спорт ўйинлари

диний  
маросимлар

#### *Криминал ҳодисаларнинг турлари*

оммавий  
тартибсизликлар

давлат объекти-  
ларига ҳужум

маҳкумларнинг  
гурухий қочиши

одамларни гаровга  
олиш


транспортни  
эгаллаб олиш

террорчилик ва  
бошқалар

## АЛОҲИДА ШАРОИТДАГИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛари ФАОЛИЯТИ

Алоҳида шароитлардаги ички ишлар идоралари фаолияти фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, уларни салбий оқибатларсиз бартараф этиш, қутқарув ишларини ташкил этиш, шахс, давлат ва жамиятнинг турмушини нормаллаштириш ҳамда оператив вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилади

Алоҳида шароитдаги ички ишлар идоралари фаолиятнинг босқичлари



фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш

қутқарув ишларини ташкил этиш

одатий шароит ва оператив барқарорликни тиклаш

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	3
<b>Биринчи бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ .....</b>	5
<b>Иккинчи бўлим. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАР .....</b>	17
<b>Учунчи бўлим. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ИЧКИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХИЗМАТЛАР .....</b>	22
<b>Тўртнинчи бўлим. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ТАШҚИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХИЗМАТЛАР .....</b>	31
<b>Бешинчи бўлим. АЛОҲИДА ШАРОИТЛАРДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ .....</b>	41

**Тузувчи-муаллиф  
Бахридин Панжиевич ИМОМОВ**

**ИИВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН БОШҚА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ  
ХИЗМАТ ФАОЛИЯТЛАРИ**

***КУРСИДАН***

**ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ**

Муҳаррир **Б. А. Яров**  
Техник муҳаррир **Д. Х. Хамидуллаев**

---

Нашрга рухсат этилди 19.11.2013. Нашрёт ҳисоб табағи 2,5.  
Адади 50 нусха. Буюртма №

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.